

ОРНИТОМНИМЛАР ХАЛҚ ВА МАДАНИЯТ ИНЪИКОСИ

Йигиталиева Мухлиса Ахадовна

ҚДПИ, ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7508982>

Аннотация: Ушбу мақола турғун бирикмаларнинг кўчма маънода қўлланилишига оид тадқиқларга бағишланган.

Калит сўзлар: орнитоним, коммуникатив, аллитерация.

Халқ – тарих ва маданиятни, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи буюк куч. Ҳар бир халқ арлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва хикматли сўзлар ана шундай бебаҳо меросимиз ҳиобланади. Тафаккурнинг бундай дурдоналарини халқимиз асрлар оша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сайқал бериб, турли замонлар ҳодисалардан эсон-омон олиб ўтган. Суқрот “Мен қадимги донишмандларнинг ўз аарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман; агарки биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган хиобланамиз”, - деган эди. Дарҳақиқат, мақолларда ота боболаримиз босиб ўтган йўлни, кечирган турмушларини, шодликларини ва чеккан азоб уқубатларини аждодларимизнинг урф-одатларини, анъаналарини кўрамиз, ҳис этамиз.

Тилимизда қушлар номлари билан ифодаланган мақоллар кўп учрайди. Улар инсонят тараққиётининг доимий йўлдошлари бўлмиш қушларни кузатиш натижасида юзага келади.

У ёки бу мақолнинг кўчма маъносини, унда нима дейилмоқчи бўлаётганини аниқлаш учун мақолда келтирилган образларнинг мохиятини тўғри англамоқ керак халқ оғзаки ижодининг кўпчилик жанрларида, жумладан, мақолларда халқ жамиятидаги муносабатлар, ҳодиса ва ҳолатларни соддароқ ифодаламоқ мақсадида табиатдаги ўз хусусиятлари билан шунга мос келадиган турли предметлар (ҳайвонлар, ўсимликлар, жисмлар, уй жиҳозлари ва х.к) образидан усталик билан фойдаланади. Ана шу предметларнинг ҳар бирини тимсол қилиб олиб, улар воситасида муайян сифатларига (хоҳ ижобий, хоҳ салбий) эга бўлган кишиларнинг образини гавдалантиради. Масалан :халқимиз шерни- мард, довюрақ, ботирларга ; туяни – эл – юрт оғаларига , бузрукларига, шунингдек кучли, чидамли сабот-матонатли баъзи ҳолларда эса такаббур кишиларга ; эшак ва хўкизни , бефаҳм, бефаросат дангасаларга ; қўйни юввош, мулойим табиатли кишиларга, шунингдек мазлумларга ; эчкини –

айёрларга, енгил табиатлиларга ; бўта, бузоқ, той, қулун, қўзи, улоқ, кучук, хўтик, полопонни болаларга итни –очкўз, тамагир, урушқоқ, калтафаҳм, аҳмоқ, дангаса ва шу каби инсоний иллатларга эга бўлган кишиларга; бўрини –қонхўр, золимларга : тулкини –айёр, иккиюзламачиларга ; қуённи –қўрқоқларга ; қулонни сергак, хушёр ақилли, тадбиркорлага; сичқон, каламуш, чумчуқ, чигирткани –текинхўр ва зараркунандаларга (айрим ҳолларда сичқонни – мазлумларга) ; чумолини –меҳнаткаш, мазлумларга ; қурбақани –ишёқмас, дангаса, қуруқ мақтанчоқларга; бургут, лочин, шунқорни-довюрак, ботир, мард, чаққон одамларга ; қарға, қузғунни – кўпинча тошқўнгил, қора ниятли кишиларга ташбих этади.

Умуман олганда қушлар номлари берилган мақоллар кучли образликка эга бўлиб, нафақат жонли мулоқат тилида, балки бадий адабиётда ҳам кишиларнинг жисмоний характери, рухий, этик, ахлоқий, иижтимоий – коммуникатив, ташқи кўриниши, ички кечинмалари, хиссиётлари, кайфияти ва бошқа хусусиятларни мукамал, очиқ –ойдин ёритиб беришдан кенг қўлланилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида бир хил мақоллар мавжуд. Бундай мақолларнинг маъноси бир хил, фақат шакл жihatдан айрим ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

Масалан инглиз тилида *The dogs bark, but caravan goes on* мақолини “ Итлар хуради, лекин карвон ўз йўлида давом этади” тарзида қилишимиз мумкин.

Бу ҳодиса кўпроқ ўзбек мақоллари учун хосдир. Асосан ўзбек мақолларининг катта кўпчилигида аллитерация, қофия каби поэтик воситаларни иштироки кўп кузатилади.

Хуллас, мақоллар бадияти уларнинг яратилиши устида авлод-авлод миллат вакилларимизнинг ижод қилиш савияси қанчалар юқори бўлганидан дарак беради.

Халқ мақолларига мурожат этганда, улардаги тарихийликни ҳисобга олиш лозим. Чунки бугунги кунда нутқимизда ишлатилаётган мақолларнинг кўпчилиги ўтмишда яратилганлиги билан халқ психологияси, дунёқарашидаги чекланганликлар ва зиддиятлар аниқ ифодасини топган. Бинобарин, халқ мақолларидан бири Бой бойга боқар, сув сойга оқар мақолини жамиятнинг қайси даврида ва қандай синф вакиллари томонидан айтилганлигини англаш бир қарашда қийин. Агар мақол меҳнаткаш халқнинг нутқида қўлланилган бўлса, у шу синф манфааларига хизмат қилади ёки аксинча. Ёки инглиз мақолларидан *A fool's bolt is soon shot* мақолининг таржимаси –аҳмоқнинг камон ўқи тезда

отилар. Ўзбекча муқобил варианты Ахмоқнинг бошига ақл ёпиштириб қўйсанг, қўли билан кўчириб ташлай. Агар тажрибан келиб чиқадиган бўлсак мақолни узоқ ўтмишда яратилганлигига шубхамиз йўқ, албатта. Чунки унда ишлатиладиган “bolt” яъни “камон ўқи” ўтмишда ва уруш даврида яратилгани сезилиб туради. Демак, мақоллардаги конкрет синфий функция уларнинг нутқда қўлланиш ўрнига қараб белгиланади. Аммо мақоллар қайси даврдан яратилишидан қатъий назар, улар яна нутққа қайтиб фаоллашиши мумкин. Биз бу фикримиз билан бой бойга боқар, сув сойга оқар ёки A fool’s bolt is soon shot маъюлларини бугунги кунда нутқимизда фаол эмас демоқчимасмиз. Биз бу ҳолатда мақолларнинг келиб чиқиши ёки яратилиши маълум бир даврга, ҳолатга боғлиқ бўлишини айтмоқчимиз холос.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар билан шартланган ҳолда мақоллар мазмунида турли даражадаги ўзгаришлар – торайиш ёки кенгайишлар юз беради. Манашу фактнинг ўзиёқ мақолнинг жамият ҳаёти, халқ турмиши билан бевосита боғланишда эканлигини кўрсатади.¹

Демак мақоллар халқ ҳаётини, унинг ўтмишдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий турмуш даражасини ўрганишда асосий вазифани ўтайди. Ҳақиқатдан ҳам мақоллар турли ижтимоий- иқтисодий муносабатларни, халқнинг этик ва эстетик нормаларини этиқодий тасаввурларини, маиший турмуш ва меҳнат тарзини, севги, орзу ва интилишларини объектив баҳолайди. Машҳур рус ёзувчиси Л.Н. Толстой “Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқ сиймосини кўраман.” Деган ва бу юқорида келтирилган барча фикрларимизни тасдиқлай олади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Кубрикова Е.С. Начальные этапы становления –когнитивная наука // Вопросы языкознания, 1994№4с. 34-47.
2. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика : /-Минск : Татра Системс, 2008,272с.
3. Понова З.Д. Стернин.И.А.- Когнитивная лингвистика. – М: АСТ. Восток – Запад.2007, 2007.-314с.
4. Miller.G.A., Johnson Laird. P.N. Language and Perception.- Cambridge.(Mass)-Harvard University Press. 1976-760p.
5. Йигиталиева. М.А article”The main concepts and problems of the Linguistic approach.”International scientific Journal”Research Focus”.

¹Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ поэтик ижоди.-Т. Ўқитувчи, 1990.-Б93

6. Йигиталиева. М.А. “Орнитонимларнинг гурухлаш муаммолари” - article
“Science and innovation” International journal.